

1211
эшитади



СИНОВЛИ КУНЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Наманган вилояти Норин тумани «Зарбдор» маҳалласида яшовчи II гуруҳ ногирони Н.А. бир неча йилдан бери қандли диабет касаллигидан азият чекади. Ёлғиз бўлса-да, ҳаёт синовларини енгиб, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиб яшайди. Касб-хунар коллежини битириб, вилоят касалхонасида ҳамшира сифатида ишлаб, хусусий университетда сиртдан таҳсил олади.

У даволаниши учун мунтазам дори-дармон харид қилиши лозим. Боз устига, ўқининг шартнома тўловини қилиши керак. Ташвишни арифтадиган яқинлари эса йўқ ҳисоби.

У туман ҳокимлиги мутасаддиларига бир неча марта мурожаат қилди.

– 1-босқич талабасиман. Ярим ўқув йили учун тўлов қилишим керак. Ҳозир бунга имконим йўқ. Дори-дармонлар учун ҳам маблағ зарур. Узим «Аёллар дафтари»нинг 3-тоифасига киритилганман. Мутасаддиларга бир неча марта мурожаат қилдим. Бироқ натижа бўлмади...

Осмон олис, ер қаттиқ. Сўқабос, бунинг устига узоқ давом этган хасталиқдан қийналган қизнинг ташвишларини арифтадиган бирор киши бўлмади. Шундай кунларнинг бирида у танишларининг тавсияси билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч телефони»га сим қоқди. Кўп ўтмай, синовли кунлар ортида қолиб, елкасига офтоб теккандек бўлди. Унга моддий ёрдам кўрсатилди.

Агар қўйи тизимда ишлаётган раҳбарлар вақтида унинг мурожаатларига эътибор беришганида, табиийки, ортиқча сарсон-саргардонликларга йўл қўйилмасди. Энг муҳими, фуқаро давлатимизнинг инсонпарварлик сийсатини ўз вақтида ҳис қилар, юқори ташкилотларга сим қоқиб юришларга ҳам ҳожат қолмасди...

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

БОЛАЛИКНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ҚУВОНЧГА ТўЛА

■ ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ



Суратда: Андижон туманидаги «Боғишамол» оромгоҳи бош тарбиячиси Толибжон Мирзажонов болалар билан.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLYI MAJLISI SENATINING

"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING AYRIM QONUN HUZJATLARIGA AHOLIGA TIBBIY YORDAMNING KAFOLATLANGAN HAJMIGA KIRADIVCAN XIZMATLARNI KO'RSATISH, SHUNINGDEK TIBBIYOT VA FARMATSEVITIKA XODIMLARINING KASBIY FAOLIYATINI AMALGA OSHIRISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA QARATILGAN O'ZGARTIRISHLAR VA QO'SHIMCHA KIRITISH TO'G'IRISIDA"QI QONUN



Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш учун юборилган бир қатор қонунлар атрофида муҳокама қилинди. Уларнинг аксарияти маъқулланди, қайтарилгани ҳам бўлди. Хусусан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига кирадиган хизматларни кўрсатиш, шунингдек тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун Сенат томонидан маъқулланмади.

Нега? Шунингдек, қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Сенати биринчи ялпи мажлисида сенаторлар олдида қўйган вазифалардан бири қонунларнинг ҳаётини бўлиши ва бевосита ишлаганига эришиш масаласи эди. Шу билан бирга, уларнинг мавжуд қонунчиликка мувофиқ бўлиши, жамиятдаги тегишли масалаларни ҳал этиши, тартиб-таомилларни энгиллаштириши, қўлайлаштириши каби мезонларга жавоб бериши ҳам зарурлиги таъкидланди.

Айни шу талаблардан келиб чиқиб, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан юқоридаги ҳужжат мутасадди идоралар, тегишли экспертлар билан атрофида муҳокама қилинган, уни қа-

бул қилиши рад этиш масаласи юзага чиқди.

Гап нимада?

Қонун билан «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддаси қайта тахрир этилиб, унинг:

биринчи қисмида: тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига ўзига тиббиёт соҳасида олий, ўрта махсус ёки профессионал таълим, шу жумладан, касб-хунар коллежларида таълим олганлик тўғрисидаги диплом берилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган шахслар эга бўлиши;

иккинчи қисмида: тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш берилган малака тоифаси бўйича автоматик равишда амалга оширилиши;

учинчи қисмида: тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси **учинчи ва тўртинчи қисмлари** қайта тахрир этилиб, унда:

дориҳона мудир олий тиббий ёки олий фармацевтика маълумотига эга бўлиши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши кераклиги;

дориҳона филиалининг мудир тиббий ёки фармацевтика маълумотига эга бўлиши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши кераклиги белгиланмоқда.

Аммо ушбу нормаларни ишлаб чиқишда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари инобатга олинмаган. Жумладан:

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси олтинчи қисмида давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат тегишли мутахассислик ва касб бўйича ишлаш ҳуқуқини бериши мустаҳкамланган.

Шунингдек, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгилловчи қонунчилик жисмоний шахсларнинг ҳолатини ёмонлаштирмаслиги кераклиги, 12-моддасида эса, манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қондалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар бериши рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга таъкидланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги 5505-сонли Фармони билан тасдиқланган Norma ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг 7-бандида тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун-

МАҚСАД НЕЧОҒЛИК МАНТИҚЛИ?

■ НИГОХ

СЕНАТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ РАД ЭТИЛГАН ҚОНУН ҲАҚИДА ХАЛҚОНА ХУЛОСАЛАР

ларни қабул қилишнинг самарали механизмининг жорий этиш назарда тутилган. Шунингдек, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар пойтахтларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасида маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги – маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига киритилган.

Юқоридагиларга қўра, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосий қондаларини Қонун даражасида белгилаш, шу жумладан:

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосий қондаларини Қонун даражасида белгилаш, шу жумладан:

рўйхатдан ўтказиладиган субъектлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларида фаолият юритаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

рўйхатдан ўтказиладиган ваколатли орган, унинг ушбу йўналишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

рўйхатнинг очик бўлиши, ундан аҳоли томонидан фойдаланилиши ва бошқа масалаларни киритиш лозим.

Шунингдек, Қонуннинг 41-модда-

сига мувофиқ, ўз касби бўйича 3 йилдан кўп узлуқсиз ишламаган тиббиёт ходимларининг тегишли фаолият билан шуғулланишига тегишли таълим ташкилотларида қайта тайёргарликдан ўтганидан ёки уларга малака тоифаси берилганидан кейин йўл қўйилиши назарда тутилмоқда.

Бироқ амалдаги Меҳнат кодексининг 502-моддаси бешинчи қисмида агар шифокорнинг мутахассислиги бўйича иш стажиди 3 йил ёки ундан ортқ танлафуф мавжуд бўлса, шифокор ўз касбий фаолиятини қайта бошлашдан олдин аввалги йилларда олинганлиги тўғрисида ҳужжат билан тасдиқланган мавжуд базавий, асосий ёки қўшимча мутахассисликка мувофиқ ихтисослашув курсларидан ўтиши шартлиги белгиланган.

Кўриниб турибдики, мазкур қонуннинг 41-моддаси ва Меҳнат кодексининг 502-моддасини ўзаро мувофиқлаштириш зарурати бор.

Мана шуларни инобатга олиб сенаторлар мазкур қонун юзасидан Қонунчилик палатаси билан келишув комиссияси тузиш қарорини маъқулладилар.

Бу нимани аниқлатади? Қонунчиликдаги ҳар бир ўзгариш жамиятда у ёки бу соҳанинг ривожланишига, унда инобатга олинмаган қирраларни аниқлаштириш ва улар бўйича тартиб-таомилларни белгилашга қаратилган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, янгилик ва ўзгаришлар соҳада янги муаммолар, қўшимча бюрократик тўсиқларни туғдирмаслиги, киритилган ҳар бир янги тартиб ўзини оқлаши лозим. Мазкур қонунга нисбатан эса саволлар етарли. Олайки, тиббий олий маълумотга эга бўлган мутахассиснинг қўшимча давлат рўйхатидан ўтказилиши талаби бир қарашда бу йўналишдаги таълим муассасасига нисбатан ишончсизлик белгиси сифатида баҳолашни мумкин. Ваҳоланки, бу ишончсизликни бартараф этиш ҳукуматнинг рўйхатдан ўтказиш комиссияси зиммасига юкланиши нечоғлиқ мантиқли?

Аслида бу ишончсизлик замирида тиббий таълимга ишончсизлик бўй кўрсатмоқда. Унда тиббий мутахассислар етиштирилган муассасаларнинг таълим сифати, диплом бериш олдида имтиҳонларнинг янада шаффофлантирилиши, қолаверса, тиббиётда инсон ва жамият учун ўта муҳим йўналишга талабалikka қабул қилишда суперконтрактларни бекор қилиш йўли билан ҳал этиш, курашиш мантиқан тўғри бўлмай-дими?

Сенатнинг рад этиш қарорини халқона тилга ўйрганда, худди шундай саволлар юзага келади.

Хусан ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLYI MAJLISI SENATINING 9-YALPI MAJLISI

Қўйидаги QR кодни сканер қилинг ва мавзуга доир воқеалар тафсилоти билан танишинг:

«Ishonch»нинг YouTube каналида кўринг!



МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

■ ДАВРА СУҲБАТИ



Бугунги кунда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатли меҳнат шартларини яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки давлат ва бюджет ташкилотлари ёки хусусий секторда ишлаётган баъзи фуқаролар турли қонунбузарликларга, меҳнат ҳақининг вақтида тўланмаслиги, мажбурий ишга жалб этиш каби ҳолатларга дуч келмоқдалар. Шу муносабат билан ўтказилган давра суҳбатида касаба уюшмалари вакиллари ўз кузатувлари ва таҳлилларига таянган ҳолда, муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Райхон НОСИРОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Талай муаммоларнинг асл сабаби иш берувчи ва ходимлар меҳнат қонунчилигини етарлича билмасликларига бориб тақалади. Бу жуда кўп ҳуқуқбузарликларга, хатоларга, ҳатто ходимлар манфаатлари тўлиқ инкор этилишига олиб келмоқда. Айрим иш берувчилар меҳнат муносабатларига оид қонунчиликни ўрганмасдан, ўз билгиларича фаолият юритишади. Масалан, ҳомиладорлик таътилидаги ходим истаган пайтида ишга чиқиши мумкинлиги инкор этилиши ёки иш тақсимотини тўғри ташкил этишда кўплаб муаммолар борливи яққол сезилади. Алапокибат, жамоада ички низолар, ноаниқликлар кўпаяди, иш самарадорлиги сусаяди.

Яна бир мисол. Ходим миллий малака сертификатига эга бўлган, мутахассис сифатида янги босқичга чиқади. Қонунга биноан, бундай ҳолатда унинг меҳнат ҳақи оширилиши шарт. Бироқ аксарият ташкилотларда устама ҳақ тўланиши кечиктирилади ёки умуман тўланмайди. Бойси, айрим иш берувчилар бу талабни билишмайди ёки била туриб, етарлича эътибор беришмайди. Бу ҳам ходимда ҳуқуқий ҳимоясизлик ҳиссини уйғотади. Албатта, ушбу ҳолатларда айбони фақат иш берувчига ағдарилган ҳам тўғри эмас. Негаки, кўплаб ходимлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишмайди. Меҳнат шартномасининг мазмунини, ойлик маош тизими, таътил ҳақлари, қонуний

дам олиш кунини каби ҳуқуқлар ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар.

Муаммонинг илдизи эса меҳнат ҳуқуқларига доир билимлар етишмаслигига бориб тақалади. Дейлик, бугунги кунда ҳеч бир олий таълим муассасасида меҳнат қонунчилиги мунтазам дарс сифатида ўргатилмайди. Шу сабабли бу борадаги тажрибаси ва билими ҳамиқадар ёш раҳбарлар билиб-билмай қонунда зид қарорлар қабул қилишмоқда.

Шуларни назарда тутган ҳолда, мен иш берувчи ва ходимларнинг меҳнат қонунчилигига доир билимларини ошириш масаласига тизимли ёндашув бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Авваламбор, меҳнат қонунчилиги бўйича махсус онлаин курслар ва интерактив дастурлар ишлаб чиқиш, ишга қабул қилинаётган янги раҳбар ва масъул ходимлар меҳнат қонунчилиги бўйича синовдан ўтказилишлари лозим. Касаба уюшмалари хузурида доимий ишловчи Меҳнат ҳуқуқи бўйича маслаҳат марказларини ташкил этиш ҳам фойдадан холи эмас.

Энг муҳими, ҳуқуқий ҳимоянинг асоси билимдир! Бунини тизимли равишда ишлайдиган барча ходимларга ва раҳбарларга бот-бот эслатгим келади.

Рустам НАСИМОВ,
Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси:

— Мен фаолиятим давомида энг кўп кузатганим муаммолардан бири, бу ишдан ташқари вақтда ходимларни мажбурий меҳнатга жалб этишидир. Бундай ҳолатларнинг катта қисми давлат ҳокимияти

ва бошқарув органлари ходимлари ҳиссасига тўғри келмагани эса гоят ачинарлидир. Дам олиш, байрам кунлари ёки ишдан кейинги вақтда ходимларни йиғилишга чақириб, тадбирларда қатнашишга мажбурлаш, ҳисобот ва ҳужжат тайёрлаш каби юмушлар кўпинча расмийлаштирилмайди. Яъни на қўшимча меҳнат ҳақи тўланади, на иш вақти ҳисобланади. Бу меҳнат қонунчилигига бутунлай зид ҳолатдир.

Иш берувчи кўпинча турли талаблар билан иш вақтини узайтириб юборади. Ходим эса ўз ҳуқуқини билмагани ёки бу ҳақда рўй-рост айтишдан қўрқгани учун унга итоат қилади. Бу соғлиқда, шахсий ҳаётида салбий из қолдиради. Шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш мақсадида иш вақтидан ташқари хизмат фаолиятини чегаралаш учун электрон тизимларга техник чекловлар жорий қилиш лозим. Масалан, ФХДЁ (Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш) органларида кечки соат 18:00 дан сўнг электрон тизим автоматик тарзда ёпилади. Натижада ходимлар ишни мажбурий равишда якунлашига тўғри келади. Агар шундай техник чекловлар бошқа давлат ташкилотларига ҳам жорий этилса, иш берувчи ҳам, раҳбарият ҳам қонуний иш вақтини бузмасдан фаолият юритади. Ходимлар эса ўз ҳаёти, соғлиги, дам олиш вақтини таъминлайди. Бу ҳалол ва оқилона ечимдир.

Ҳамро ЧОРИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори:

— Бизга соғлиқни сақлаш соҳасида энг кўп тушадиган мурожаатлар ставка масаласига дахлдордир. Бу муаммо шунчалик кенг тарқалганки, у нафақат иқтисодий, балки ижтимоий адолат нуқтаси назардан ҳам жиддий ўйлаб кўришни тақозо этади. Тиббиёт ходимларининг айримлари 0,5 ёки 0,75 ставкада ишга қабул қилинади, ёки шартнома шундай тузилади. Бу ҳолда улар тўлиқ иш ҳажмида ишласанлар-да, ойлик маошлари ярим ставка миқдорига ҳисобланади.

Аниқроғи, ходим меҳнатга тўлиқ жалб этилган, аммо иш ҳақи тўлиқ эмас. Янада ачинарлиси, баъзи ходимларга расман 1 ставка бўйича буйруқ чиқарилади-ю, амалда ярим ставка ойлик тўланади. Сабаби «Ходимларимиз кўп, барчага ставка этишмайди», деган расмий-норасмий изоҳлар билан оқланади. Аслида бу ҳолат қонунга зид бўлиб, инсон ҳуқуқини, Меҳнат кодексига белгиланган асосий тамойилларни бузиш саналади.

Муаммони бартараф этиш учун қатор ишларни амалга ошириш мумкин. Хусусан, ҳаққоний «ставка реестри»ни жорий этиш ва ҳар бир тиббиёт муассасасида ишлаётган ходимнинг расмий ставкаси ҳамда иш ҳақи ҳолати тўлиқ ва очиқ ҳолда электрон платформада акс этиши лозим. Бу реестр касаба уюшмалари томонидан мониторинг қилинса, нур устига нур бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва молия органлари томонидан ҳар бир тиббиёт муассасаси учун кадрлар юки ва тўлиқ ставка бўйича ишлаш имконини берувчи норматив таҳлиллар қайта кўриб чиқиши ҳам масалани муайян енгиллаштирилади. Агар ставка тақсимоти ҳаққоний меҳнат ҳажмига мос келмаса, бу масала марказлашган тарзда ҳал қилиниши, барча тиббиёт муассасаларга аниқ ҳуқуқий баҳо бериш зарур. Ставка, меҳнат шартномаси, устама, компенсация каби тушунчалар юзасидан тиббиёт ходимлари учун онлаин тренинглар ва ҳуқуқий маслаҳат кунлари ташкил этиши жоиз.

Шубҳасиз, билим — ҳимоя учун энг кучли қурол. Ставка масаласидаги муаммоларни энди кечиктирмай, тузал ечим билан ҳал этиш вақти келди. Бу нафақат тиббиёт ходимлари фаолияти, балки бутун соҳа салоҳиятига бевоусита таъсир кўрсади. Тиббиёт ходимининг меҳнати — инсон ҳаёти билан боғлиқ. Агар биз уларнинг муносиб ҳақ олишига шарт-шароит яратмасак, қандай қилиб аҳоли саломатлигига жиддий ёндашувни кутишимиз мумкин?..

Давра суҳбатида билдирилган фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар меҳнат муносабатлари соҳасида ечимини кутаётган масалалар талайгина эканлигини аълолади. Шу нуқтани назардан қараганда, касаба уюшмалари нафақат ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, балки тизимли ечимлар таклиф этувчи фаол назоратчи органга айланиши керак. Ана шундай натижага эришилса, давлат ва жамоат ташкилотлари, иш берувчилар ва ходимлар ўртасида адолатли, қонуний, инсонпарвар муносабатлар ўрнатилишида касаба уюшмаларининг аҳамияти янада ортиб бораверади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

ИШ БЕРУВЧИ 40 000 000 СЎМГА ТУШДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига Қува тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мутахассиси Зилолаҳон Нозимова меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилганидан норози бўлиб мурожаат йўллади.

Маълум бўлишича, у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми 2-бандига кўра бекор қилинган. Ўрганишлар давомида иш берувчи томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда қонунбузилишига йўл қўйилгани аён бўлган. 3.Нозимованинг манфаатини кўзлаб, иш ўрнига тиклаш тўғрисида судга даъво аризаси киритилди.

Суд 3.Нозимовани вазифасига тиклаш тўғрисида қарор чиқарди. Шунингдек, мажбурий бекор юрган кунлари учун унинг фойдасига 40 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириладиган бўлди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юристконсулти



Иш бор жойда камчилик бўлиши табиий. Шундай экан, фаолиятда бирон-бир хато қилган ходимга дарҳол интизомий жазо қўллаш эмас, балки аввал уни огоҳлантириш даркор. Ахир ким у ёки бу хатоси учун ойлик маошининг маълум қисми ушлаб қолинишини истайди?

ҲАЙФСАН БЕКОР ҚИЛИНДИ

Жиззах шаҳридаги 18-умумтаълим мактабда ишлаётган Мафтуна Усмонованинг ҳам кичкина хатоси қимматга тушди. Иш берувчи арзимас сабаб билан унга нисбатан ҳайфсан жазоси қўллади.

Ходим бундан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига мурожаат йўллади. Ўрганишлар давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан иш берувчига тақдирнома юбордик. Аммо ҳеч нарса ўзгармади. Шундан сўнг фуқаролик ишлари бўйича

Жиззах туманлараро судига даъво-ариза киритиб, Мафтуна Усмоновага нисбатан қўлланилган ҳайфсан интизомий жазо чораси бекор қилинишига эришилди.

Муҳаммад ЖЎРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига «Термизнефтбоза» МЧЖ ходимлари Саодат Мавлянова, Мукаррам Назарова, Фарҳод Бозоров ва Иzzатилло Астанақуловлар томонидан йўлланган мурожаат ўрганилди. Улар иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, ўз ихтиёри билан тўланган рағбат пуллари розиликларини олинмасдан, ҳисоб бўлими томонидан ушлаб қолингани билдиришган эди.

Аниқланишича, С.Мавлянова «Термизнефтбоза» МЧЖда 2013 йил 1 апрелдан ҳамшира вазифасида ишлаб келган. Раҳбариятнинг тегишли буйруқларига кўра Халқаро ҳамширалар кўни ва Тиббиёт ходимлари кўни муносабати билан унга жами 3,6 млн. сўм рағбат

РАҒБАТ ПУЛЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

пуллари тўлаб берилган. Жамиятнинг 2023 йил 5 декабрдаги 117-сонли йиғилиш баёни ҳамда 246-сонли буйруғига асосан бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси этиб тайинланган. Зиммасига қўшимча вазифалар юклатилгани сабабли лавозим маошининг 30 фоизи миқдорига қўшимча иш ҳақи тўланиши кўрсатилган ва 7,5 млн. сўм ойлик маош тўланган. Иш берувчи унга рағбат ва қўшимча бажарган ишлари учун жами 11,1 млн. сўм ҳақ тўлаган.

Бундан ташқари, тегишли буйруқлар билан жамият ходимлари Ф.Бозоровга 9,6 млн., И.Астанақуловга 8,6 млн., М.Назаровага 5,2 млн. сўмдан ортиқ рағбат пуллари тўлаб берилган. Аммо «Ўзбекнефтога» АЖ томонидан ўтказилган ўрганиш якунларига кўра, рағбат ва қўшимча ҳақ пуллари уларнинг розилигисиз ойлик иш ҳақларидан ушлаб қолинган.

Меҳнат кодексининг 269-моддасида «Умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, ходимнинг розилиги бўлмаган тақдирда эса ушбу модданинг 2-қисмига мувофиқ иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин».

Ходимга ортиқча тўланган иш ҳақи (шу жумладан, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар нотўғри қўлланилганда) ундан ундирилиши мумкин эмас», деб кўрсатилган.

Иш берувчи С.Мавлянова, Ф.Бозоров, И.Астанақулов ва М.Назаровага ўз ихтиёри билан тўлаган пуллари уларнинг розилигисиз ойлик иш ҳақларидан ушлаб қолинган сабабли фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2025 йил 25 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, ходимлардан ушлаб қолинган рағбат ва қўшимча тўланган пуллар иш берувчи ҳисобидан даъвогарларга ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

СУД ХОДИМ ФОЙДАСИГА ҚАРОР ЧИҚАРДИ

Абдулла Ориповнинг «Агар музликларни макон этган бўлсайдинг, меҳрим бермасмидим ўша музларга?!», деган сатрлари бор. Аллоҳ бизга тўрт фасл ҳам ўз мавриди билан келадиган, тупроғига суқилган ҳар чўп ҳам унадиган, серқуёш бир ўлкани юрт қилиб берган. Авлодлардан бизга ўтган замин ва маконни, унинг сув ва ҳавосини, табиатини ва бойликларини асраш, бойитиш ва қудратлантириш ҳамда авлодларга янада юксак ҳолда етказиш барчамизнинг бурчимиздир. Ўзбекистон энергетикаси, шу жумладан, гидроэнергетикаси ҳақида ўйлаганда шу мулоҳазалар ҳаёлимизга келади.

Бугун энергетикаси ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Бир кичик станция ишдан чиқиб, бир маҳалла икки соат электрсиз қолса, қанча шовқин соламыз. Уйда бир муддат чироқ ўчган одам ҳамма ёққа югуради, дунёдан холийди. Энергетика тизимимиз эса 37 миллион аҳолига узлуксиз электр, ёнилғи, иссиқлик етказиб бermoқда. Аёнки, электр энергияси манбалари — ёнилғи иссиқлик энергетикаси, қуёш энергетикаси, атом энергетикаси, шамол энергетикаси ва сув энергетикаси мавжуд. Буларнинг ичида энг хавфи кам ва арзони гидроэнергетикасидир. Гидроэнергетика мамлакат энергетикасининг ўзагини ташкил этувчи муҳим тармоқдир.



ЎЗБЕКИСТОН

ГИДРОЭНЕРГЕТИКАСИНING ҚУДРАТИ ВА ШИДДАТИ

«ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО»: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА...

Тақдир тақозоси билан «Чорбоғ» ГЭСига бораётиб бир гап ёдимга тушди — шўролар қайта қуриши охирида «Мустақиллик керакми-йўқми?» деган баҳслар асосида бир амалдор астойдил хавотирланиб: «Агар Россия бензин бермай қўйса, машиналаримиз кўча-кўйда тақа-тақ тўхтаб ётади», деганди ва биз: «Биз ҳам пахта бермай қўямиз ва Иваново тўқимачилик фабрикалари тўхтайдилар, ноиллож беради. Пахтамызга соҳиб бўламиз, тилломизга эга чиқамиз ва ўша бензинни сотиб оламиз!», дегандик.

Аммо барибир бир ҳадик бор эди — шўро иқтисоди жуда кооперациялашган эди, завод бир республикада бўлса, ускунаси — бошқа республикадан, хомашёси — учинчи республикадан, эҳтиёт қисмлари — тўртинчи, бешинчи республикадан келарди, харидори эса яна бошқа бир ерда эди.

Мустақилликка эришгач, энди армиямизнинг ўзимиз ташкил этишимиз, чегараларимизни мустаҳкамлашимиз, божхоналаримизни ўрнаттишимиз, шу заводларни, фабрикаларни, гидроэлектрстанцияларни ўзимиз юритишимиз керак эди.

«Чорбоғ» ГЭСи директори ўринбосари Улугбек ака суҳбатда бир гапни айтиб қолдилар: «Шўро даврида электр станциянинг бошқарувчилари, инженерлари, умуман, раҳбарияти фақат ўрилсан ва яхшилардан иборат эди, ўзбеклар қатъиян оддий ишчилардан юқори кўтарилмасди. Албатта, емирилган гидроагрегатларни тўзатиш, қисмларини алмаштиришда оғир ишларни қилардик, лекин аппарат қисмининг тумгаларига яқинлаштирилмасдик. Мустақилликка эришгач, узлардан шу ишларни кузатиб юрган кўли қора ишчиларимиз аста-секин ўрганишди ва бугун ҳам станциялар ишлапаяти...»

Маълумки, «Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскади» таркибидаги «Чорвоқ» сув ombори ёнида жойлашган «Чорбоғ» ГЭСи қурилиши 1963 йил январда бошланган ва 1977 йил декабрда ишга туширилган. ГЭС истиклол даврида модернизацияланганидан сўнг 45,5 МВт кучга эга бўлиб, қудрати 666 МВт, ўртача йилига — 2,165 млрд. кВт. соат энергия ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон шўролардан қолган станцияларни ишлатишда давом этибгина қолмади, ўз гидроэнергетикаси ҳам шиддат билан ривожланимоқда. Бугунги кунда Президентимизнинг 2017 йил 18 майдаги фармони билан ташкил этилган «Ўзбекгидроэнерго» АЖ йил сайин электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб бermoқда. Қисқа давр мобайнида мамлакатимиз гидроэнергетика тармоғини янада ривожлантиришда, қайта тикланувчи энергия манбаи ҳажмини орттиришда қатор муҳим ютуқларга эришилди. Сўнгги 8 йилликда эса жамият тизимида ўтказилган улкан ислохотлар ва амалий саъй-ҳаракатлар натижасида қувватлар 430 МВт.га оширилди.

Айтиш жоизки, 2017 йилгача гидроэнергетика тармоғи «Ўзбекэнерго» АЖ таркибидаги 28 та ГЭС ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги 8 та ГЭСдан иборат бўлган. Бу каби бўлиниш пировардида гидроэнергетика соҳасини техник бошқаришнинг зарурий яхлитлиги мавжуд эмас эди. Шу боис, янги ташкил этилган «Ўзбекгидроэнерго» АЖга ГЭСларнинг электр энергияси ишлаб чиқаришида ягона техник сис-теманга амалга ошириш, гидротехник иншоотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланиш, шунингдек, гидроэнергетика объек-тларини марказлаштирилган технологик бошқаришнинг таъмин-лаш вазифаси топширилди.

Утган қисқа давр мобайнида гидроэнергетика мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий драйвер йўналишларидан бири ва соҳани олға етакловчи локомотивига айланди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, «Ўзбекгидро-энерго» АЖ ташкил топгандан буён янги қурилиш ва модерни-зация лойиҳаларига қарийб 1 млрд. долларлик инвестиция-лар йўналтирилди. Жалб қилинаётган кенг қўламли капитал қўйилмалари ва чет эл инвестициялари ҳисобига энг замона-вий технологияларга асосланган янги ГЭСлар барпо этил-моқда. Бугунги кунга қадар умумий қуввати 430 МВт.га тенг бўлган 55 та ГЭС фойдаланишга топширилди. Шундан, 42 та янги ГЭС қурилган бўлса, 13 та мавжуд ГЭС замонавий талаб-лар асосида тўлиқ модернизация қилинди.

Албатта, бу рақамлар айтишга осон. Дунёда ГЭС кура ола-диган давлатлар бармоқ билан санарли. 42 та янги ГЭС қуриш эса ҳайратланарлидир. Шу йўсинда «Ўзбекгидроэнерго»нинг умумий активлари қиймати илк бор 1 млрд. 200 млн. долларга етказилди. 2017 йилдан таққосланганда, жами активлари-миз қиймати 4 баробарга ошди.

2024 йилда тизимдаги энергия ҳосил қилувчи корхоналар томонидан 8,2 млрд. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу 2023 йилдагига нисбатан 20 фоиз кўп электр энер-гияси ишлаб чиқарилганини аңлатади.

Амалга оширилган янги лойиҳалар ҳамда модернизация чора-тадбирлари ҳисобига 2024 йилдаги ишлаб чиқариш кўрсатки-чи 100 йиллик тарихга эга гидроэнергетика фаолиятида энг юқори — рекорд кўрсаткичи ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бу каби улкан натижаларда «Ўзбекгидро-энерго» АЖ миқёсида электр энергияси ишлаб чиқаришда туну кун фидокорона меҳнат қилаётган раҳбарият ва барча ишчи-ходимларнинг бирдек улуғлиши ҳамда ҳиссаси бор.

2024 йилда гидроэнергетика соҳаси учун муҳим ҳужжат — Президентнинг «Гидроэнергетика соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини жадаллаштириш тўғрисидаги» қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ, гидроэнергетика қувватларини янада

ошириш мақсадида тармоқни ривожлантириш Стратегияси тасдиқланди.

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ 2025 йилда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича устувор вазифаларини амалга оширишга бел болаган:

— 9 млрд. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 110 фоиз ўсиш суръатига эга бўлиш;

— Инвестиция дастурига асосан умумий қиймати 3,4 млрд. долларга тенг 15 та лойиҳани амалга ошириш: умумий қув-вати 2 ГВт бўлган 4 та гидротўплаш электр станциялари лойиҳалари ҳамда жами қуввати 540 МВт бўлган 5 та йирек ГЭС қурилиши бўйича лойиҳанинг фаол босқичига ўтиш ва қу-рилиш ишларини бошлаш;

— умумий қуввати 222 МВт, йиллик ишлаб чиқариши 1 млрд. кВт. соатга тенг 38 та лойиҳани фойдаланишга топши-риш;

— соаноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 700 млрд. сўмга етказиш, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 450 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда соаноат коопе-рациясини 340 млрд. сўмга қиқариш, шунингдек, экспорт кўр-саткичинин 15 млн. долларга етказиш;

— соҳани рақамлаштириш ишларини давом эттириш, жум-ладан, капитал қурилиш ишларига рақамли технологияларни жорий этиш.

Қайси гидротехник маконга бормаилик, ободлик ва фаро-вонлиқни кўрамыз. Мамлакатимиз гидроэнергетика соҳасин-инг изчил тараққиёти электр энергияси ишлаб чиқариш қув-ватларини ошириш билан бирга, янги ГЭСлар қурилаётган, модернизация қилинаётган гидротехник иншоотлар жойлаш-ган ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли тур-муш фаровонлигини ошиши, хонадонлар ободлиги ва ну-рафшонлиги, энг муҳими, Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг янада тараққий этишига муҳим ҳисса қўшади.

Бугун Ўзбекистонда гидроэлектрстанцияларнинг умумий сони 80 дан орткичи ташкил этмоқда. Инвестициявий лойиҳа-ларнинг ҳаётга кириш татбиқ этилиши ва мавжуд станциялар-нинг модернизацияси натижасида қўшимча 430 МВт қувват яратилиб, амалдаги ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми 2,3 ГВт.га етказилди.

Мамлакатимиз гидроэнергетикаси қарийб 100 йиллик та-рихга эга бўлиб, давлатимиз мустақилликка эришган 1991 йилгача гидроэнергетик қувватлар ҳажми 1705 МВт эди.

1991-2017 йиллар давомида («Ўзбекгидроэнерго» АЖ ташкил этилгунга қадар) жами гидроэнергетик қувватлар ҳажми 1856 МВт.га етказилди. 26 йил давомида 151 МВт ҳажмидаги гидроэнергетик қувватлар яратилди.

Янги Ўзбекистонда 2017 йилдан бугунги кунга қадар, яъни қисқа давр мобайнида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг соҳага эътибори билан «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томони-дан олиб берилган модернизация ва янги ГЭСлар қурилиш лойиҳалари асосида 400 МВт.га тенг янги гидроэнергетик қув-ватлар яратилди. Умумий қувватлар ҳажми 2256 МВт. га етқа-зилди. Бир асрлик тарихга эга гидроэнергетика соҳасида энг юқори 8,2 млрд. кВт.соатни ташкил этди.

ИНСОНЛАРNING РОЗИЛИГИ ВА РИЗОЛИГИ

2017-2024 йиллар сарҳисобига кўра, энергия корхоналари томонидан мамлакатимиз аҳолиси ва соаноати эҳтиёжи учун жами 52 млрд. кВт. соат экологик тоза қайта тикланувчи ва яшил электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу эса, қарийб 22 миллион хонадон ёки 70 млн. аҳолининг бир йиллик электр энергияси сарфи эканини аңглатади.

Янги қурилиш ва модернизация лойиҳалари учун умумий 8,5 трлн. сўм маблағ йўналтирилди. Утган 8 йиллик даврда тармоққа етказиб берилган электр энергияси реализацияси 13,2 трлн. сўмни ташкил этиди. Бунда давлат газнасига йирек солиқ тўловчилар сифатида 3,5 трлн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилди.

2017-2024 йиллар давомида ишга туширилган лойиҳалар доирасида деярли 1000 тага яқин доимий янги иш ўрни яра-тилди ва тизимдаги умумий ходимлар сони 4 минг нафардан ошди.

«Ўзбекгидроэнерго» 2020 йилда республика соаноат кор-хоналари орасида биринчи бўлиб «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлигининг Б+ (ижобий) халқаро кредит рейтингини кўлга киритди ҳамда мустақил кредит рейтингини сўнг-ги 5 йил давомида барқарор ВВ-республика суверен даража-сида сақлаб келмоқда. Жамият 2 йилдири, ЭСГнинг 2-дара-жали рейтингига эга бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича Марказий Осиёда етакчилик қилмоқда.

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан ГЭСлар ва сув ombор-лари ва улардаги гидротехника иншоотларининг хавфсиз ва барқарор ишлатишнинг таъминлашда замонавий рақамли тех-нологияларни жорий этиш, назорат-ўлчов қурилмаларидан олинаётган маълумотларни инсон омилсиз автоматик ди-агностика ва онлайн мониторинг қилиш борасида бир қатор амалий чора-тадбирлар тизимга изчил татбиқ қилинди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда илк маротаба гидротехника иншоотларини рақамлаштириш мақсадида соҳадаги илгор АҚШ, Канада, Англия, Швейцария, Италия, Словакия ва Хи-тоё давлатларининг нуфузли компанияларининг ижобий та-жрибаси ўрганилиб, замонавий ахборот-коммуникация техно-логиялари ёрдамида техник ва ташкилий узилишларни барта-

раф этиш ҳамда ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш йўли билан гидроэнергетикада гидротехника иншоотлари хавфсиз ишлатишнинг таъминлашга қаратилган ахборот тизим-ларининг ягона мажмуаси ҳисобланган «Вазиятлар маркази» фаолияти йўлга қўйилди.

Тизимда «Яшил макон» лойиҳаси доирасида яшиллик да-ражасини ошириш мақсадида ўтган йиллар давомида жами 15 млрд.га яқин маблағ сарфланиб, 200 мингдан ортки дарахт кў-чати экилди, сўғориш тизимлари билан таъминланди ҳамда ҳудудлар кўкназорлаштирилиб, ободонлаштирилди.

«Энергетиклар сихатгоҳи» соҳа ходимларининг мароқли хордик қиқариши, саломатлигини назорат қилиши ва тиклаши учун мўлжалланган санаторий ҳисобланади. Сихатгоҳда ҳар йили Ижро аппаратни ходимлари ҳамда тизим корхоналари иш-чи-ходимлари малакали даврий табиб қуриқдан ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, жамият томонидан ҳар йили аъъанавий равишда ўтказилиб келинадиган мазкур жараён ходимларнинг саломатлигини тажрибали шифокорлар ёрдамида ҳар томон-лама ўрганиш, назорат қилиш, тиклаш ва яхшилашга қарати-лан. Зеро, кадрлар саломатлиги ташкилот фаолияти ривожига муҳим омиллардан биридир.

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ ҳузурдаги «Кадрларни қайта тайёр-лаш ва малакасини ошириш институти» нодавлат таълим муас-сасаси томонидан соҳани янада ривожлантиришда инновацион ғояларни амалиётга кенг жорий этиш, энергетика, шу жумла-дан, гидроэнергетика тармоғида ишлаб чиқариш ва гидротех-ник иншоотлар қурилиши корхоналарини замонавий билим ва кўникмага эга мутахассислар билан таъминлаш, соҳада фао-лият юритаётган ходимларни қайта ўқитиш ва малакасини оши-риш бўйича тизимли ишлар изчил амалга оширилмоқда. Ушбу таълим муассасида ҳар йили минг нафардан ортки тингловчи турли соҳавий йўналишларда ўқитилмоқда.

Гидроэнергетиканин эришган ютуқ ва натижаларида соҳа етакчиси — «Ўзбекгидроэнерго» АЖ Бошқаруви раиси, сенатор Абдуғани Сангиновнинг ташаббускорлиги, замон билан ҳамна-фас экани, фидойилиги, кўп остидаги ходимларнинг ҳар жиҳат-дан кўлаб-қувватлашга интилиши ва куч-ғайрати муҳим роль ўйнайди.

ХАЛҚ САЛОҲИЯТИГА ЭЪТИБОР

Мустақилликнинг дастлабки йиллари физикани яхши ўқи-ган бир йигит қия сойлик бўйидаги ҳовлиси эҳтиёжи учун ариқ-чага тегиримон чархпалаги каби айлантиришни ўрнатади ва уни кичик ток генераторига улайди, бугунги кун тили билан айтганда «кичик гидроэлектрстанция» қуради, ишлаб чиққан электр токи оиласига етади ва ҳатто битта-иккита кўшнига ҳам улаб беради. Йигит давлат электр тармоғидан узилиб, дав-лат пул тўламай қўйганини кўрган электрликлар бир неча бор унинг агрегатини бузишани ва «ҳар бир хонадоннинг шахсий ҳисоб рақами» борлигини, электр кунора узилаётган давлат тизимига «пул тўлаш туриши керак»лигини айтишади. Охири йигитни қаматишгача боришади.

Ҳозир ўша йигит қарҳомон, тадбиркор бўларди, чунки бугун одамларга қуёш панеллари ўрнатиб, давлат тармоғидан узи-лаш ва ўзини таъминлашга нафақат рухсат берилди, балки бу иш учун кредит ва субсидиялар ажратмоқда. Ҳатто узидан ортан электр энергиясини давлатга сотаётган кўлаб фуқаро-лар бор!!!

Бу — табиий жараён. Энергетикаларимиз энергиянинг ҳар киловати 900 сўм атрафода экани, уларнинг 200 квт халққа «лимпит» доирасида 450 сўмдан сотилаётганини айтишда ва бу чиндан ҳам шундай. Фуқароларнинг тармоқдан узилиб, ўзи-ни-ўзи таъминлаши зўриқиб ишлаётган тизим фаолиятини ен-гиллаштириш ва ҳатто электр токини экспорт қилиш имконини яратди.

Уша «ёш техник» йигитнинг кашфиётчаси каби бугун гигант ГЭСлар қатори «мини ГЭС»чалар қуриш ғояси пайдо бўлди ва ҳатто водийда ҳамда Қорақалпоғистонда ана шу каби мини гидроэлектрстанциялар ишга туширилиб, озулаб янгилари лойиҳалаштирилмоқда.

Ривожланиш дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2025 йилнинг ўзига 38 та соаноат лойиҳаси фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, республика ҳудудлар бўйлаб жами қуввати 3,8 МВт.га тенг 26 та босимли ва кинетик турбинали мини ва микро ГЭСлар ишлаб бошлади.

Хусусан, жами қиймати 405 миллион АҚШ долларига, қу-вати 200 МВт.га тенг 10 та йирек лойиҳа, халқаро бегараз кў-мак — грант маблағ ҳисобига 20 МВт.га тенг Шамол электр станциялар лойиҳаси ҳамда республикада маҳаллийлашти-ришни ошириш мақсадида қуввати 40 МВт.гача бўлган гидро-агрегатлар ишлаб чиқариш бўйича «миллий» завод лойиҳаси амалиётга татбиқ этилди.

ДАРВОҚЕ, ЯНГИ ЗАВОД...

Мамлакатимиз гидроэнергетика тармоғи ривожига муҳим ҳисса қўшиб келаётган «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан маҳаллийлаштириш йўналишида, хусусан, тармоқ учун зару-рий эҳтиёт қисмлар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқар-ишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аёнки, гидроэлектр станциялар қурилиши катта маблағ ва техник захираларни талаб қилади. Асбоб-ускуналар ва турли жиҳозларнинг четдан олиб келиниши харажатларни анча оши-

ТАҲЛИЛ

ради, лойиҳаларни қимматга туширади ҳамда қурилиш муд-датларини чўзиб юборади. Бу иқтисодий самарадорликка сал-бий таъсир қурсатиши аниқ.

Шунинг учун кечагача хориждан келтирилган, гидроэлектр-станциялар учун зарур бўлган гидроагрегатлар, эҳтиёт қисм-лар ва махсус асбоб-ускуналарни ўзимизда ишлаб чиқариш бўйича жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу борада амалга оширилган энг муҳим ташаббуслардан бири — умумий қиймати 27 миллион долларга тенг «UzHydroPower» қўшма корхонасининг ташкил этилишидир. Тошкент вилоятининг Бўс-тонлик туманида қарийб 5 гектар майдонда жойлашган мазкур завод гидроэнергетика учун технологик жиҳозлар ишлаб чиқар-ишга ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда Марказий Осиё-даги ягона корхона сифатида фаолият юритмоқда. Бунақа заводлар дунёда 10 та ҳолос. У Ўзбекистоннинг нафақат исте-ъмолчи, балки юқори технологик маҳсулотларни экспорт қил-увчи мамлакат сифатида шаклланишига замин яратди.

Аваллари ГЭСлар лойиҳалари, гидроэнергетика ускуналари чизмалари чет элларда, хусусан, Россияда, Германияда тайёр-ланарди. Бугун ақлий салоҳият ўзимизда ҳам шаклланди. За-воднинг техник бўлими раҳбари Баҳоидин Назаровнинг айтишича, мазкур корхонада кичик гидроэлектр станциялар лойиҳаси яра-тилиб, уларга зарур бўладиган барча ускуна ва техникалар шу ернинг ўзига тайёрланади. Ҳозиргача Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, Сурхондарё вилоятида ана шундай илҳам гидроэлектр станциялардан унга яқини ишга туширилган.

— Заводда «Made in Uzbekistan» миллий бренди асосида қу-вати 1 киловаттдан 40 мегаваттгача бўлган гидроагрегатлар, тур-биналар ва генераторлар, шунингдек, республикамизда аввал ишлаб чиқарилмаган 14 турдаги сув-насос агрегатлари ҳамда ГЭС ва сув ombорларининг гидротехник иншоотлари учун турли ўлчамдаги металл конструкциялар (затворлар, йирек металл қукурлар, панжаралар ва бошқалар) ишлаб чиқарилади, — дейди корхона директори Фойиб Пардаев.

Маълумки, электр станциялари кучли сув босими остида ишлайди. Чорвоқ ГЭСига ташриф буюрганда ҳаммаёқ узлуксиз зириллаб туришини сездик. Ўзбекистонда гидроэнергетика са-ноатини барқарор ва самарали ривожлантириш учун фақат янги электр станцияларини барпо этиш эмас, балки ишлаб турган-ларни керакли жиҳозлар билан таъминлайдиган технологик ба-зани мамлакат ичида шакллантиришга ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Айни ҳолатда асосий йўналишлардан бири соаноат кооперацияси ва чукр маҳаллийлаштириш жараёнларидир. Бу нафақат халқаро технологияларни ўзлаштириш, балки миллий соаноат салоҳияти ортганини ҳам яққол кўрсатмоқда.

«UzHydroPower» томонидан ишлаб чиқарилаётган гидро-агрегатлар нархи хорижий аналоглари билан таққослаганда анча арзон. Масалан, Хитойдан олиб келинадиган ускуналарга нисбатан 12 фоизга, Россия маҳсулотларига қараганда эса 27 фоизгача тежамкор вариант сифатида тақриф қилинмоқда. Бу эса инвестиция харажатларини қамайтириш, лойиҳаларни тезроқ амалга ошириш ва умумий қурилиш харажатларини опти-маллаштириш имконини яратди.

Ахир, бу мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлиги ва техно-логик мустақиллиги масаласидир.

Заводнинг юқори самарадорлиги ва сифатли маҳсулот-лари туфайли 2026 йилдан бошлаб қўшни давлатларга тайёр гидроэнергетика ускуналарини экспорт қилиш режалаштирил-ган. Бу орқали Ўзбекистон нафақат ички эҳтиёжини қондирувчи, балки минтақавий даражада рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқарадиган давлат сифатида шаклланиши кўзда тутилмоқда.

Дарҳақиқат, бу ерда ишчилар учун ўша маҳал бепул овқат, олис ҳудудлардан келиб ишлаётган ходимлар учун махсус ётоқхона ташкил этилгани эътиборга молик.

Кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам жиддий ёндашув ма-жудлигини кўрасиз. 2024 йилда 7 нафар мутахассис Хитой-нинг «Zhejiang Jinlun Electromechanic Co., Ltd» корхонасида малака ошди. Шунингдек, яна 60 нафар техник ходимни хо-рижда ўқитиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган.

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ВА МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИ

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан жорий йилда 9 млрд. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш, 3 млрд. доллардан ортки инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, умумий қу-вати 230 МВт.дан ортки бўлган 38 та лойиҳани фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлиб, ушбу устувор мақсадлар сари дадил амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Бу борада, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги «Чотқол дарёсида Қўйи Чотқол ГЭС қурилиши» инвестиция лойиҳасини амалга оши-риш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига биноан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида гидротехник иншоот объект-ларини қуриш ишлари режавий асосда олиб борилмоқда. Лой-иҳавий қуввати 90 МВт.га тенг Қўйи Чотқол ГЭСни жорий йилда давлатимиз Мустақиллиги байрами арафасида қуриб биткази-лиши режалаштирилган. Эътиборли жиҳати, қурилиш ишлари доирасида мамлакатимиз ва Марказий Осиёда илк бор янги замонавий технологиялар асосида биринчи марта тўгон кон-струкцияси босиб чиқилган бетонли тилда қурилади. Сув omb-ори ҳажми 6,8 млн. м³.га тенг. Мазкур тилдаги тўгон қурилиши лойиҳани амалга ошириш муддатини 2 баробарга қисқарти-риш ҳамда сув ombори кунлик сув сарфини самаракли бошқар-иш имконини беради. Натижада мазкур мустаҳкам тўгонда қуриладиган ГЭС кун давомида электр энергиясига талаб ке-син ошган даврда, яъни ростловчи қувватларда электр энер-гиясини ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтиради.

Эътибор қилайлик, қурилишда ўрнатилган замонавий ва илгор тасмали конвейер технологиясида жаҳондаги 5 тагина давлатда — АҚШ, Канада, Италия, Эрон ҳамда Ўзбекистонда фойдаланилган.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 мартдаги «Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2024-2030 йилларда мамлакатимиздаги мавжуд гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш, янги гидроэнергетик қув-ватларни яратиш ва мавжудларини модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳалари доирасида Наманган ви-лояти Норин дарёсида умумий қуввати 228 МВт. бўлган Но-рин ГЭСлар каскади қурилиши лойиҳаси юқори суръатларда амалга оширилмоқда. У 6 та ГЭС.дан иборат бўлиб, ҳар бири-нинг қуввати 38 МВт.ни (9,5 МВт. қувватли 4 тадан гидроагрегат ўрнатилади) ташкил қилади. Ушбу истиқболли лойиҳа ишга ту-ширилиши натижасида йилга ўртача 1025 млн. кВт.соат эко-логик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Лойиҳа тўлиқ «Ўзбекгидроэнерго» АЖ маблағлари ҳисоби-дан молиялаштирилди. Қурилиш жараёни режага мувофиқ, ГЭС-1 ва каскад подстанцияси қурилиши 2024-2025, ГЭС-2 қурилиши 2025-2026, ГЭС-3 ва ГЭС-4 қурилиши 2026-2027, ГЭС-5 ва ГЭС-6 қурилиши 2027-2028 йилларда амалга оши



Ватан бўлмас
Ватандан
ТАШҚАРИ...

1989 йили бир гуруҳ журналистлар Ҳиндистон ва Шри Ланка деб аталмиш яшил оролга ижодий сафар қилдик. Шу жараёнда Дехли, Агра, Калькутта, Бомбей, Мадрас, Коломбо, Канди каби қадимий шаҳарларни кўрдик, фуқаролари фақат майдонлардан иборат тош шаҳар ҳаётини яқиндан кузатдик. «Болливуд» кино-студияси учун махсус қурилган ясама шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилдик, су-ратга олиш павильонларида, оламга машҳур Тожмаҳалда бўлдик. Ҳинд уммони соҳилларида чўмилиб, салобат билан сузиб бораётган ҳайбатли юк кемаларига «Оқ кема» асаридagi болакай каби қўл силкидик. Элифанга оролида мингдан ортиқ тош йўнар уста ўз йилдан ортиқ вақт сарфлаб, ҳайхотда тоғни кесиб, иккига ўйиб курган хашамдор сарой ва унинг маҳобатли деворларига ишланган сон-саноксиз ҳайкалларга, худо Шиванинг Ерга тушишига бағишланган илонли композицияга ҳайрат билан тикилдик.

дея совғани бир четга суриб қўйди ва... йиглаб юборди.

1989 йили ўша йиллари дунёни забт этган машҳур «Баҳор» ансамбли билан Бельгия, Люксембург мамлакатларига сафар қилганман. Раққослар Брюссел, Кортейк, Брюгге каби қадимий шаҳарларда ўзбек миллий рақсларини ижро этишди, бир гуруҳ кизлар миллий либосларимизда сахнага чиқишди. Концертлардан бирида Ботир Абдурахмонов исм-шарифли кашадарёлик ватандошимизни учратиб қолдик. Иккинчи жаҳон урушида оғир яраланиб, асирликка тушган, Бельгияда ерости шахталарида ишлашга жўнатишган ва киши тилини деярли йўқотганди, ammo бошимиздаги дўппини кўриб, юм-юм йилгашдан ўзини тия олмади. Биз унга дўппи совға қилдик. Ботир ака совғанинг гулларига сукуланиб қаради, бармоқлари билан сийпалади, кўзларига суртди, сўнг кўйнига яширди-ю, ҳўнграб юборди.

Шоир Мухаммад Юсуф тиббиётчи талабалар билан учрашувларидан бирида ёш қизчининг: «Сиз учун Ватан нима?» деган саволига бeтўхтов жавоб қайтарди: «Синглим, Ватан бу – жон, жон-сиз вужуд бўлмайди, буни бошқалардан кўра, сизлар яхши биласизлар, Ватан – жонингизни фидо қилишнинг мумкин бўлган тупроқ».

Ҳар бир шохиди, қадим-қадимларда ҳам Ватанга хиёнат оғир гуноҳ ҳисобланган эл-юрт манфаати, оила, сулола, маҳалла-қўй ҳамма нарсадан устун қўйилган. Фарзандлар эрт посбонлари, оила шаъни қўриқчилари, миллат фидоилари мақомида тарбияланган. Бугун ҳам шундай. Бош қомусимизда Ватан, оила, фарзанд тарбияси, маҳалла, яхши қўшиқчилик, саховат, бағрикенглик каби қадриятларнинг муқаддаслиги, миллатнинг ўлмас руҳи булган она тилига муҳаббат, ҳаёт адабиёти-нинг рамзи бўлмиш аёл зотига эҳтиром ўз аксини топган, инсон ҳақ-хуқуқлари, турли миллат ва элат вакилларининг миллий тўйгуллари, диний эътиқод ҳурмат каби умуминсоний қадриятлар расман эътироф этилган. Бугун бу қадриятлар фақат бир мамлакатни, бир миллатни эмас, дунёнинг жамики мамлакатларини ҳам маънавий-ахлоқий инкирордан сақлашни мумкин. Чунки инсоннинг ҳаёти, тақдир билан боғлиқ муаммолар ҳар қачон ва ҳамма жойда бир хил пайдо бўлади.

Инсон ҳаёти ҳамisha бир маромда кечмайди. Ҳаёт фаровонлашгани сари инсоннинг маънавий эҳтиёжлари, оруз-истаклари ортиб боради. Ота-бобоси остана хатламган фарзандларимиз бугун дунёни кезиб юрибди. Нуфузли университетларда таҳсил олмақда, халқаро танловлар шохсу-пасига кўтарилмоқда. Илмий тафаккурга, демократи, қадимий ўнларга қайтаётган Ўзбекистоннинг келажиги учун меҳнат қилмоқда. Бундан мамнун бўлишимиз керак. Ammo бир хавотир ҳам йўқ эмас.

Изланаётган одам ҳамisha ҳам тўғри ечимни топпайди. Адашди, қийинчиликларга дуч келади. Ҳаракатдан тўхтамас, фаҳм-фаросат билан бундай ҳатони тўзатса бўлади. Ammo ақлли-хушли бўла туриб, текис йўлда, зим-зиё тунда эмас, кул-па-қундузи, ота-ониси, устозлари, дўст-қадрдонлари олдида кеңирилмас хатога йўл қўяётган, нияти гаразли кимсаларнинг алдовига учиб, Ватан ва миллат шаънига доғ тушираётганларни тушуниш қийин. Хоржда нима кўп – пул кўп, бойиб кетаман, хашаматли уйлар кураман, дангилмама тўйлар қиламан, дея хомхаёлга берилган, алдоқча са-робга дуч келиб, ўзи, ота-ониси, қариндош-уруғи шаънига доғ тушириб, бу чоҳдан қанчалик учун хиёнат йўлига қираётганлар эҳ эмас. Бемор тузалиши, дард кечиниши, омад қайтиши мумкин, ammo бундай доғни ювиб бўлмайди.

Бугун биз жаҳон ҳамжамиятининг илгор сафлари сари одимлаётган эканмиз, халқимизга хос меҳр-мурувват, оқилатлилик, сабр-қаноат ва кечиримлилик каби фазилатлар янада яққол на-

моён бўлмоқда. Эндигидея дунёни шимолӣ муз океанларида сузиб юрган ҳайбатли айбёрғларни эслатувчи ҳарбий кемалар, замонавий қурол-яроғ билан ҳайратга солиб бўлмайди, ammo қалдирғочнинг боласини ўз фарзандиди кўрадикан муштилар оналаримиз, тандирдан эндигина узилган ис-сиқ нонни қўшилар билан бирга баҳам қўришимиз, болажонлигимиз, бировнинг кўзида ёш кўрсак, унга ҳамдард бўлишимиз, эзилган бошга таъна қилмай, уни бағримизга босишимиз, муқаддас динимизда изанинг ҳаромлиги аниқ-равшан айтиб қўйилгани билан дунёни ҳайратга солашим.

Шундай халқимиз. Ҳар йили Рамазон ойда бутун мамлакат саховат, бағрикенглик либосига бурканди. Юртимиз бағрида туғилган «Жаҳо-латга қарши маърифат» тамойили асосида фақат бир мамлакатда эмас, бутун дунёда тинчлик ва оқилчиликни сақлаш, диний эътиқод эркинлиги, ислом динининг маънавий-маърифий асосла-рини халқимизга ва дунё аҳлига етказиш бораси-даги амалларимиз халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётган бир пайтда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Яқин Шарқдаги қуролли жоғаролар ҳудудида қўлиб кетган фуқароларнинг юртимизга омон-эсон қайтарилши, фафланнинг жабрдиданларга қўр-сатилган мурувват, содир этган жинийга учун жазо муқддатини ўтаётган, қилмишига чин дилдан Пу-шаймон бўлган, тузалиш йўлига ўтганларни Пре-зидент фармонига мувофиқ, афв этилиши халқро ҳамжамиятининг алоҳида эътирофи сазовор бўлди. Саудия Арабистонининг «Saudi Gazette» наشري бу ташаббусни «Меҳр» операцияси деб атади. Бошқа бир наشر хабарида «Исли қуриль-маган одамийлик», деган жумлага дуч келамиз.

Дарҳақиқат, чин маънода одамийлик, жасо-рат. Уруш ҳаракатлари фақат Сурияда эмас, бо-шқа жойларда ҳам мавжуд. Снарядлар, бомба-лар портомлаққа, уй-жойлар, мактаб ва боғча-лар, касалхоналар, кўприклар, қадим иморатлар, ноёб обидлар айрон бўлмоқда. Уй-жойидан, ота-ониси, яқинларидан, демокки, бор-бўйдан жудо бўлган майиб-мажрўх болаларнинг сон-и қанчалигини ҳеч ким билмайди. Уларнинг «Бо-шини силлаш бир меҳрибон қўл, бир оғиз ширин сўз нондек арзадан» (Ғафур Ғулум) бўлиб турган бир пайтда, Ўзбекистон раҳбарининг бу ташаб-буси, жабрдиданларга қўрситилаётган меҳр-оқи-бат оламага татиғулик, ибратга арузиқлик десак, муболага бўлмас.

Инсоният тарихида келгуси авлодлар эъти-бор бериши, қатъий амал қилиши зур бўлган сабоқлар кўп. Улардан бири – ёш авлод тарбия-сини бир зум бўлсин, ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўл-майди. Бир кунлик эътиборсизлик кейинчалик минг кунлик ташвиша сабаб бўлиши мумкин. Бу сабоқ, айниқса, бугун – ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё миёсида давом этаётган пайтда янада муҳим аҳамията эга. Тарбия иши ҳар бир ота-онанинг, устоз ва мураббийларнинг, ўзини жа-миётнинг фаол, куюнчақ аъзоси, деб ҳисоблайди-ган зиёвчилар, ижодий уюшмалар, ҳуқуқ-тартибдо-рганлари ходимларининг муштарақ вазифаси, бурчи ҳисобланади. Социолог олимлар жиноят-чилик маънавий илдилар заифлашган, миллий аъналарга риоя қилиш сустлашган, она тили-нинг қўлланилиши қамайган ҳудудларда кўпроқ содир бўлишини аллоҳчон исботлаб берганлар. Бу маънавий инкирордан дарак бeрyвчи оғоҳлик кўнгириғидир. Маънавий айниши, хиёнат йўлига оёқ қўйиш эътиборсизликдан, муаммолар гирдо-бига қолишдан бошланади. Давлатимиз раҳбарли-нинг янги сийбати мағзида жамиятнинг ҳар бир қат-лами, ҳар бир касб эгаси, ҳар бир нуруний, ўсим, ҳам таъминланган ҳар бир оила доимий эътиборда бўлсин, деган улғун ният ётади. Бой-бадавлат бў-либ кетиб, бошқаларни менсимай қўйганларга ҳам, маъсул лавозимга келиб, оёғи ердан узилган-ларга ҳам тегишлича «эътибор» қилиш, хатопла-рини вақтида тузатиш зарур.

Абу Наср Форобий ўз асарларида тарбия таъ-лимдан устун турадиган, таълимдан аввал бошла-нандек жараён эканини кўп бор таъкидлайди. Буёқ маърифатпарвар Махмудхўжа Бeҳбўдий: «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозим-дир, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур», деганида қанчалик ҳақ эканини бугунги ёш авлоднинг халқро майдонда эришаётган ютуқларидан билиб турибмиш. Исмомил Сомоний ўтмиш аҳждолари шухратига маҳлиё бў-либ, ўзи бир ишинг эгадиган тутмаган, аллома қариндошлари номларини пеш қилиб, обрў-эъти-бор топтоқчи бўлган, умрини шу тариқа ўзлабди-ган кишини ўлик, деб ҳисоблаган.

Аҳмаджон МИТБАЗОВ,
Ўзбекистонда хизмат
қўрсатган журналист



Кўчна дардга
янги даво

Ҳамқишлоқ бир бобо гурунг аввалида «Бу гапларни айтардимим-айтмасдимим, ўзинг қўйма-динг, болам», дер эди.

Бугун ўша бобонинг сўзлари ёдимга тушди: қуйидагиларни ёзардимим-йўқми, дилимдан тошди, қўлим, бармоқларим жимирлади... Бунга сабабчи – ўқувчиларимиз, элдошларим...

Бу дунёни алғов-далғов қилган ҳам, кишилар ҳаётини до-вулдай ўраб, чиқирак қилиб юборувчи куч ҳам инсон тийна-тида яширин бўлган қонқимаслик ҳиссидир. Барча катта-ки-чик дилхираликлар шу ҳис туғайли оқ беради. Бу ҳис, бу тўйғу инсоннинг ички оламидея «яخشироқ, кўпроқ, тезроқ...» дея минг-минг иллардан бери, худди форгади ёввойи овоз каби акс-садо бериб келади. Ва ҳар садо берганида, инсо-нийлик деворларидан нималардир кўчади ва йўқлик қаърига қулаб, гум бўлади.

Бу ёвзу нидони фақат маърифат ва маънавий қудрат-гина тийиши мумкин. Бу шифо усулини билганлар доим жаҳоз оз, тушунмаганлар, қабул қилмаганлар эса бисёр бўлган ҳам-дир. Озорили шовқин инсонни еруғликка етакловчи овозни босиб кетаверди.

Башариётнинг улғу вақиллари, Аллоҳнинг ниятини ан-галган улғу бандалари мудом шундан изтироб чекканлар. У-ларининг заҳматга тула умрида «инсонни инсондек кўрмак ораси» билан яшаганлар. Биз ул зотларнинг жуда катта ин-тиқлилари билангина бугунги қиёфамизни асраб турган бўл-сак, не ажаб!

Алқисса, одамзод гордан чиқиб, ёввойилигини ташла-нандан то хозирги учар машиналар, онлайн маросимлар тадриҳига етунича шукронаси қамайди, қўрқув ва андишаси қамайди. Аммо даъвоси, иддаоси ортди. Ҳаёти минг марта яхшиланди. Аммо «яна-яна» деган элтишти ошгандан ошди. Узоққа Бормайлик, бундан эллик-отмиш йил олдинги ва ўн йил аввалги ҳаётимизни бир қиёслайлик.

Бундан ўттиз йил аввал ҳам «Оти ўзган олтимшига ки-ради», деган гап бор эди халқ орасида. Пахтазорда майишган елгаси кун қўрмай, қосақи оқармай яшур ўзбеклар орасида олтимш ёшли одамлар катта ёшли боболар ҳисобланарди. Тўжон-юз ёшли кишилар эса ҳар бир вилоятда битта-иккита бўлар, у ҳам бўлса, заҳарли химикатлар қолпаган пахта да-ласидан узоқда, тоғ бағрида яшаган қалъонини, тақдир сий-лашган бошқа бирор эллик бўларди. Одамларнинг қисқа умр қўришига яшаш тарзи сабаб эди.

Яқинда Кавказ томонларга бориб келган Абдуҷалил исмли ақамиз қизиқ гапларни айтди. У киши Кавказдаги санато-рийда бир рус киши билан танишиб қолди. У одам пахта-тага дори сепадиган самолётда учувчи бўлиб ишлаган. Ў-збекистонни, айниқса, Сурхондарёни яхши биларкан. Абду-ҷалил ақанинг мураббийлиги эканини билгач, рус амаки унинг айни қарданлагини мирдан-сиригача сўраб-суришти-рибди. Ва дебди:

– Биз сепган доридан кейин у ерларда одамлар яшаши, айниқса, қўлайиши мумкин эмас...

Бу сўзлар Абдуҷалил ақанинг ҳамиятига тегибди ва қи-зиқиб сўрабди:

– Нима дори сепгансизлар? У ерда хозир ҳам юз минглаб одам яшайди.

Собиқ учувчи бу гапларга ишонқирамай ҳайронлиги ор-тибди.

Гап шундаки, халқимиз мураккаб шароитда яшаб ҳам ўз-лигини, ижтимоий, маънавий тугулларини қўлдан бермади. Шу оғир шароитда ҳам сeрфазанлик аънасан бардавом бўлди. «Унта бўлса, ўрни бошқа» деб фарзанд тугавери-дан оналаримиз. Аммо бу авлодларнинг барчаси эсини пахтазор-да танди.

Ана шундай ҳолатда ҳам халқ олимларини, шоир-ёзувчи-ларни, жаҳоний санъаткорларини, етук улоамларини етказиб бeравeрди. Аммо яшаш оғир эди. Бу гаплар то ўттиз-ўттиз беш йил олдингача бўлган, деб ҳисоблайлик. Яқин ўн-ўн беш йил аввалги кўнларимиз эса ҳамманнинг ёлди. Гарчи мустақил бўлган бўлсак-да, милли-онлаб фарзандларимиз хорижга иш қидириб, ризик илчиқда кетишди. Яшаш яшилгангани сайин одамларимизнинг мул-ка муносабати ўзгарди. Аммо ёмон томонга ўзгарди. Бизнинг қўлимиз пул кўрди, уларимизга ҳаммомлар қўшилди, маши-налар олдик, бирок қаноатимиз қўлдан кетди.

Бу катта маънавий ўғирлиғи эканини жамият жуда кеч илғайти. Бизнинг ҳаётини қадриятларимизнинг ранги ўчган-дек бўлди. Инсонни инсон қилиб тугтиб турувчи қанчад деган ҳазина ўзи билан кўп нарсани ушлаб турар экан. Жумла-дан, оқибат, меҳр-муҳаббат, садоқат, она юртва содиқлик каби фазилатлар қаноатдан куч олади.

Бугун оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий тармоқлар халқнинг овозига, минбарига айланган бор гап. Шу минбардан қелаётган сўзлар халқнинг қўнглини, юраги-даги истакларини билдиради. Шуларга қараб одамларнинг табиатидея зериллиши кузатиш ва билиш мумкин. Бугун жамиятда ажримлар қўлаётгани, гринкард ва

бошқа юртларга кетиш истагининг ошиши кўнгулга соя со-лади. Шу иккита масала энг орғиқли нукталаримиздан. Са-баби, ажримларнинг ортиши оила деган табарруқ тушунча дард кетганини аниқлатади ва бунинг ортидан катта-кичик юзлаб муаммолар етигиб келади. Тарбияси оғир болалар-нинг пайдо бўлиши, балоғатга етётган йилги-қизларнинг ахлоқига салбий таъсирлар, фаши ва шахвойий қўсурил-ларнинг ортиши, энг ачинарлиси, юздан парда кўтарилиб, ори-ятнинг йўқолиши ва ҳоказо...

Хорижга кетиш, кўпроқ пул тоғиш, ўзини биров танимай-диган бeғона жойларда яшаш истагининг ортиши ҳам, аслида жуда катта фожианинг дебочаси. Неге? Чунки халқ орасида «Эрдан чиқма, эрдан чиқсан ҳам элдан чиқма, элдиндан чиқ-сан ҳам йўлдиндан чиқма!» деган нақб бeғиш айтилмаган.

Эл шундай кучли, унинг инсон ҳаётига таъсирини илп-лар давомида англаб бeравeрасан, киши. Эл одам боласини ниҳози, сўзи ва ҳаракатлари билан тарбиялаб бeравeради. Баъзан танқид, баъзан рағбат билан эл одамга ўз сўзини ўт-казар экан. Бундан ҳиммат излаган киши, албатта топади. Кишиларда хорижга кетиш, у ёқда яшаб қолиш фикрининг пайдо бўлишига биринчи ўринда мутоҳлик сабаб деган га-ларга тўлиқ қўшилмайман. Менимча, биринчи сабаб – қано-атсизлик. Бу гапимга қўшилмайдиганлар оздир, ammo чуқурроқ ўйланса, бугунги Ўзбекистон шароитида таққослаб қўрилса, қўнчилик фикрини қўллаб-қувватлайди.

Халқнинг жиғислиги, яқдиллиги, мамлакатнинг ривожига бе-восита шу юртва мансуб кишиларнинг савияси, танлаш да-ражаси, дунёни, ҳаётни қай йўсида кўриш ва қабул қилиши билан боғлиқ.

«Бугун юртдошларимизни кўроқ нима қийнаётми?» деган саволга кўп нарсаларни айтиш мумкин: ишсизлик, маош қам-лиги, ишонсизлик ва ҳоказо... Бироқ асл инсоний муаммо – қаноатсизлик чeтда қолиб кетаётми.

Ҳарини одамларнинг вазиёти кўз олдимизга келтирайлик: одамлар ойлук маошининг 15-20 фоизидан кeчиб бўлса ҳам, нақдлаштириш учун пластик картани бировларга бeриб юбо-рар эди. Чунки пластика савдо қилиш деярли йўқ эди. На матбуот, на халқро ташкилотлар бундай муаммолар билан шугуллан-ди. Бироқ эндиликда вазиёт умуман бошқача, одамлар ҳам бошқача. Улар ўз хоҳиш-истагини аширмадан айта олади-ган, йўлида бирор тўсиқни кўрса, дархол қаeрга муражаат қилиши биладиган одамлардир. Уларнинг сўзини эшитиб, дардига малҳам бўладиган тизимнинг пайдо бўлгани эса, кўзай ҳақиқат.

Одам боласи азал-азалдан ўзини бевотва қилиб, қал-бига кутки солиб келган оқчуллик ва бeқаноатлик каби қу-сурлардан озод бўлмай туриб, оруз-муродига етиб бoра олайди. Ҳаётимиз қанчалар яхшиланса, маънавий бур-чимиз ҳам шунча ортишини унутмаслик керак. Атиги юз йил нари-бeрисидея бошимизга тушган фожиаларнинг туб асосида ҳам маърифатсизлик, маънавий таназзул ётади.

Муқаддас ислом дини аҳҷомларида машҳур бир дуо бор. У қуйидагича: «Аллоҳим! Мени кўп таваб қилувчилардан ва покланувчилардан қилгин!». Шу дунёнинг моҳиятида жуда катта ҳикмат яширинган.

Одамлар қадим замонларда фавуқлода бойий бош-ласа, ерлари мўл ҳосил бeриб, чорвалари қутилмаган дара-жада қўпайса, қамининг улғуларни худо йўлига қурбонликлар қилиб, «Аллоҳим! Бизларни нима билан сийнасан?» Бу тўқ-чилик ортидан балолар юборганми», дея ёлворар экан...

Бу сўзларни айтишдан муқаддас – бандаларнинг асл вази-фаларидан бири таваб ва шурў қилиш эканини боғ эслаш, эслатиш. Бу неъматларисиз орақлар гоғил ва хордир. Бу сўзларни ҳаётимизга қўирадиган бўлсак, мулоҳаза қилолсак, қоридеяги қўллаб дардларнинг ечимини топган бўламиз.

Шодмонқул САЛОМ

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!

Улғубек Ҳафизов
ижросида
«КУТАМАН»
қўшиғи

Ҳар баҳор йўлингдe интизор,
Кутаман аҳдига вафодор.
Юракда асраган гапим бор.
Кутаман – келмасанг
дунёдан ёлғиз ўтаман.

MUASSIS:
O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSEYANOVA (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)
Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpoqliston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrirlar:
Zayniddin RIXSIYEV,
Gulnurbegim ODASHBOYEVA
Mushahhirlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDAYBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV
Boleshga to'pishirish vaqti – 19:00
Topshirildi – 19:30
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.
Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch
1991@yandex.uz
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop
etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan
tashkilot javobgar.

Ummumiy adadi 32 076 ta
Shundan: 6 079 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 116 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 881 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811
1 2 3 4 5 6